

ISSN: 2181-4562

DOI Journal 10.56017/2181-4562



IMFAKTOR
PAGES

JOCAA

МАДАНИЈАТ ВА САНЈАТ

Journal of Culture and Art

Volume I, Issue 2

April | 2023

КУЛТУРА И ИСКУССТВО



ISSN: 2181-4562
DOI Journal 10.56017/2181-4562

МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 2-СОҢ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-2

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-2

ТОШКЕНТ – 2023

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВА | JOURNAL OF CULTURE AND ART

№ 2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4562-2023-2>

БОШ МУҲАРРИР:

Халикулова Гўзал Эркиновна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори в.б., Санъатшунослик фанлари номзоди

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Мелиқўзиёв Иқбол
Мамасодиқович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудир, профессор в.б., Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ:

Касимов Нозим Козимович

Маданият ва туризм вазирлиги “Таълим ва илм-фанни ривожлантириш бошқармаси” бошлиғи, профессор Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали “Санъатшунослик” факультети декани, Тарих фанлари номзоди, профессор

Ходжаметова Гулчира
Илишевна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудир, доцент, Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Абдувоҳидов Фахриддин
Мелигалиевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Саҳна нутқи” кафедраси доценти

Умаров Мамур
Боташикович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси профессори в.б., фалсафа фанлари номзоди

Худоев Ғани Муҳаммадович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудир, Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бердиханова Шахида
Нурлыбаевна

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси” кафедраси мудир, санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Дўсанов Раҳимжон
Раимқулович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “катта ўқитувчи”, мустақил тадқиқотчи

Суннатиллаев Асатилло
Суннатович

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти “Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш” бўлими бошлиғи, мустақил изланувчи (PhD)

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи/Page Maker/Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

ТУЙҒУНОВ Дониёр

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7813121>

“СОҲИБҚИРОН” СПЕКТАКЛИДАГИ ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТЛАР

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон” номли шеърӣ драмаси хақида сўз юритилади. Шунингдек, сахна юзини кўрган ушбу поэтик драманинг спектакль билан бадий муштараклиги таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Соҳибқирон, Амир Темур, шеърӣ драма, шеърӣ шакл, спектакль, режиссёр маҳорати, тарих ҳақиқати, Абдулла Орипов ижоди, бадий муштараклик.

ИСТОРИЧЕСКИЕ ФАКТЫ В СПЕКТАКЛЕ «САХИБКИРОН»

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается поэтическая драма Абдулла Орипова под названием «Сахибкиран». Также анализируется художественная согласованность этой поэтической драмы со спектаклем, который видит лицо сцены.

Ключевые слова: Сахибкиран, Амир Темур, поэтическая драма, поэтическая форма, спектакль, режиссерское мастерство, реальность истории, творчество Абдулла Орипова, художественное сообщество.

HISTORICAL FACTS IN THE PLAY “SAHIBKIRON”

ANNOTATION

This article discusses the poetic drama of Abdullah Oripov called "Sahibkiran". The artistic consistency of this poetic drama with the performance, which sees the face of the stage, is also analyzed.

Keywords: Sahibkiran, Amir Temur, poetic drama, poetic form, performance, directorial skill, the reality of history, creativity of Abdullah Oripov, artistic community.

Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири Абдулла Ориповнинг нафақат шеърӣятга, драматургия соҳасига ҳам ўзининг беназир тарихий ва фалсафӣ шеърӣ драмалари, драматик дostonлари билан салмоқли хиссасини кўшган.

Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон”, “Жаннатга йўл”, “Ранжом”, “Ҳаким ва Ажал” “Самовий тўй” каби сахнага мос ёзилган қатор шеърӣ драмалари китоб ҳолида минг-минглаб тиражда республикамиз нашриётларида бир неча бор қайта-қайта нашр этилган. Қолаверса, бошқа тилларга таржима қилиниб, Марказий Осиё ва Хорижий давлатларда ҳам китоб қилиб чиқарилган.

Абдулла Ориповнинг шеърий йўлда ёзилган “Соҳибқирон” ва “Жаннатга йўл” драматик асарлари Хорижий мамлакатимизнинг нуфузли театрларида қайта-қайта сахналаштирилганлиги, радиоспектакллар қилинганлиги адабиёт ва санъат шайдолари калбидан чуқур жой олганлиги билан кадрлидир.

Абдулла Орипов ижодий фаолияти давомида ёзган шеърий драматик асарлари учун нуфузли давлат мукофотларига мушарраф бўлган. Ўз ижоди учун бир неча орден-медаллар ва унвонлар билан тақдирланган. Унинг ёзилган ва сахналаштирилган асарлари нафақат ўзини юксалтирди, балки биз каби санъатшунос ва адабиётшунос тадқиқотчилар, режиссёр ва актёрларнинг катта муваффақият қозониб элга танилишига, машҳур бўлишига, унвонлар-у обрў олишига, билими, савияси, маънавияти ошишига сабаб бўлди. Бундай фикрларни мамнуният билан тилга олиб келаётган қатор ижодкорлар билан суҳбатлашишнинг ўзи қувонарли ҳол. Ўқиб-ўрганиб, ижодий компетенцияси билан бошқаларнинг ҳам турмуш тарзи, илми ва ижодининг яхшиланишига ижобий таъсир ўтказиши ижод аҳли учун буюк бахт.

Абдулла Ориповнинг Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ “Соҳибқирон” поэтик драмаси ҳақида ёзиб, ўз тадқиқотларида адабиётшунос, санъатшунослар сахнага кўчган бу асарга ўз баҳосини берганлар. Ҳаммининг кўз объектив ракурси, қалб призмалари, таҳлиллари ҳар хил. Ҳар ким ўзига керакли масалада мушоҳада этганлар. Мустақиллик даври драматургияси шеърий драмалари орасида бу асар кўплаб театрларда такрор ва такрор сахналаштирилди.

Амир Темур сиймосини театр сахнасида гавдалантириш йўлида Қашқадарё вилояти мусикали драма театри ҳам ўз талқини билан ўзини кўрсатиб келмоқда. Ушбу спектаклда жуда муҳим мавзу, яъни Амир Темур ва Йилдирим Боязид ўртасидаги курашлар, низолар курашга чорлаган воқеанинг асл моҳиятини очиш мақсадга айланган. Дарҳақиқат, турк дунёсининг бу икки буюк саркардаси не сабаб бундай қинғир курашга киришдилар? Тарихий манбаларда бу ҳақда турли фикрлар мавжуд. А.Орипов тарихий манбаларни кунт билан ўрганган экан, бу икки шахс ўртасидаги воқеаларга янада шиддат бағишлаш ва уларни муносиб рақиблар сифатида гавдалантириш баробарида уларнинг ҳар бирига хос ютуқ ва камчиликларни ҳаққоний гавдалантиришга интилди. Бу каби ёндашув сабаб Амир Темур ва Боязид образлари бир-бирига муносиб рақиб сифатида гавдалантирилди. Амир Темур нафақат куч-қудрати, баҳодирлиги, ақл-заковати, тафаккури, инсоний руҳияти ила рақибидан устун. А.Орипов бу икки шахс, икки образ ўртасидаги адоватнинг моҳиятини аниқлаш учун ихтилофнинг келиб чиқишига сабаб бўлган воқеаларнинг бизга қоронғи жиҳатларини аниқлашга интилади. У бу икки саркардани тўқнаштирган воқеаларни очиш баробарида шекспирона услуб қўллайди. Ҳақиқий образ даражасига кўтариш, унинг барча ютуқ ва камчиликларини бўй-басти билан кўрсата олиш, асар драматургининг маҳоратига боғлиқ. Саҳнавий талқин эса режиссёр ва актёрлар ансамбли ижро маҳоратида намоён бўлади. Рассомнинг рангларида ўз аксини топади. Давр санъати, оҳангги бастакор мусиқасининг оқ ва қора клавишларидан таралган наво орқали очилади.

Спектакль бир ёки икки ижодкорнинг меҳнати эмас. Унда ҳар бир ижодкорнинг индивидуал маҳорати режиссёр ёрдамида умумлаштирилиб, композицион яхлитлик холига олиб келинади. Абдулла Ориповнинг айна мустақиллик йиллари (1996) ёзилган “Соҳибқирон” драматик достони ўта сахна сир-асрорларини теран ҳис этиб, юксак тарихий билим ва юксак маҳорат билан қоғозга туширилганлиги билан ҳали сиёҳи қуриб улгурмасданок театр аҳлининг, айниқса, режиссёрларнинг диққатини ўзига тортди. Бу ҳақда Абдулла Орипов ва Қулман Очилов суҳбатида ҳам алоҳида айтиб ўтилган: “Шоир Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон” драмаси ҳали сиёҳи қуриб улгурмасдан, наинки китобхонлар ўртасида, балки театр арбоблари орасида ҳам қўлма-қўл бўлиб кетди. Улар шу шеърий драмани бирин-кетин сахнага қўймоққа киришдилар. Кўп ўтмай, “асарингизни театримизда қўймоқчи эдик” деб хориждан ҳам хушхабарлар кела бошлади.

Қўшни Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятининг Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги театрида “Соҳибқирон” спектаклининг намоиши бўлди. Бу нафақат машхур шоиримизнинг ижодига, балки 660 йиллик таваллудини нишонлаётганимиз Амир Темур бобомизнинг ҳаётига ҳам катта қизиқишдан далолатдир [1].

Тўғри, бир оз таққлаш учун минг турли найранг йўллари излаганлар ҳам бўлди. Қайсидир маънода улар ниятига етгандай бўлди. Ўша пайтда айримлар шеърий драмани ерга уриб ўзбек театр сахналарида қўйилишига монелик қилиб турганда режиссёр Ҳамид Қахрамон томонидан Қирғизистон театрида сахналаштирилган спектакль томошабинлар ва мутахассислар томонидан зўр иштиёқ билан қабул қилинди ва юқори баҳоланди. Ўзбек театр сахналарига кенг тақдим этилганлиги ва бугунга қадар қайта-қайта сахналаштирилиб келинаётганлиги, фикримизнинг далилидир.

Режиссёр Олимжон Салимов “Соҳибқирон” драмасини сахналаштириш жараёнларини санъатшунос Г.Холикулованинг тадқиқотларида ҳам учратиш мумкин. Режиссёр муаллиф илгари сурган ғояларни кенг камровли мизансахналарда ёритишга ҳаракат қилди. Саҳнавий асарда конфликт тасвирини ойдинроқ акс этишида ёрдам беради. Шундан келиб чиқиб, режиссёр спектаклда тарихий муҳитни жонли акс эттириш мақсадида асардаги энг кучли тўқнашув сахналарга катта эътибор беради. Асар матнини ҳам шунга монанд равишда қисқартиради [2, Б.85].

Асарда муаллиф Амир Темурнинг ҳаққоний сиймосини баркамол ҳолда кўрсатиб бериш учун катта меҳнат қилган. А.Орипов “Улуғ ғоялар – улуғ инсонларни вояга етказди” деб бежиз айтмаган [3].

Чунки у Амир Темур сиймосини яратар экан: “...у киши жиддий юлдузлар туркуми кийик шаклига кирган вақтда туғилган. Бу ҳолат саккиз юз йилда бир марта рўй берар экан... Аммо, бобомизга парвардигор буюк истеъдод берган ва айна пайтда у кишининг елкасига буюк бир тарихий юмуш ҳам юклаган”, деб таъкидлайди [4].

Хўш, бу буюк бир тарихий юмуш нимадан иборат экан? Шу жиҳатдан “Соҳибқирон” асарини яна бир бор кўздан кечирамиз.

Муаллиф ўз асарида буюк саркарда билан бадийий воситалар ёрдамида тиллашишга ҳаракат қилганлиги сезилиб туради. Бунда у Амир Темур фаолиятининг турли қирраларини бадийий тафаккуридан ўтказиши орқали эришган. Амир Темур дастлаб кўз олдимизда буюк саркарда, давлат арбоби сифатида гавдаланади. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, дунёда кўп жаҳонгирлар ўтган. Лекин уларнинг ҳеч қайсиси тарқоқ улусни Амир Темурдек юксакликка кўтара олмаган, уни адолат билан бошқара олмаган. Амир Темурга қадар Туркистон замини Чингиз авлодлари зулми остида хароб бўлган эди.

Достонда Амир Темур ўз юртини босқинчилардан озод этганлиги, Самарқанддан бошлаб барча турк элатларини бирлаштириб, буюк давлат тузганлиги аниқ ва равшан тасвирланган. Йигирма етти давлатни бирлаштириб, марказлашган давлатчилик сиёсати асосида ўз Тузуги орқали бошқарган. Соҳибқирон Амир Темур ўз тузукларида “Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий тадбиркор ва хушёр бир киши минглаб тадбирсиз лоқайд кишилардан яхшидир”, дея таъкидлайди [5, Б.39].

Ер юзида енгилмас бир салтанат туздик,
ковуштирдик бошларини не-не халқларнинг,
Самарқанднинг қутлуғ номи бизни ҳар қайда
қўллаб турди, йўллаб турди ғалаба томон...

Шуни айтиб ўтиш керакки, Абдулла Орипов тарихий манбаларни чуқур ва яхши ўрганиб чиққанлиги сабабли, ўтмиш воқеа-ҳодисаларига, тарихий шахсларга нисбатан жуда ҳам масъулият билан ёндашиб, уларни айнан ёки тўқима ёрдамида бадийий ҳақиқатни рўёбга чиқаришга уринди. Шу боис тарих бадийий либосда драмада ўз аксини топади.

Муаллиф тарихдан энг характерли фактларни, воқеаларни ажратиб олади, шу йўл билан бадийий-ижодий ниятига етади.

Бунинг учун у Амир Темур ҳаётига доир барча тафсилотга тўхталиб ўтирмасдан уларнинг самарасини талқин қилиш билан чекланади. Масалан, тарихда катта роль ўйнаган Олтин Ўрда хони бўлмиш Тўхтамиш хусусида “Тўхтамишнинг ўрдасини чил-парчин қилдик”, деб ёзади. Шу каби Ҳиндистоннинг пойтахтини ҳам фатҳ айлаганини, Кавказ халқларини ҳам озод қилганлиги ҳақида бадиий шаклда сўз юритилади. Булар ҳаммаси Амир Темурнинг мамлакатларни забт этишни кўрсатиш билан ундаги асл сабабларни ва Соҳибқирон сиймосини тўлароқ очиб беришга хизмат қилади.

Абдулла Ориповнинг диққат марказида, айниқса, иккита ҳукмдор – Амир Ҳусайн билан Боязид туради. Асар орқали уларнинг қилмишлари билан танишамиз, фикру тафаккуримиз орқали таҳлил қиламиз. Амир Ҳусайн Амир Темурнинг қайноғаси, унинг синглиси Ўлжой Туркон Соҳибқироннинг завжаси. Шу билан бирга Амир Ҳусайн оламдан ўтгандан кейин, унинг беваси Сарой Мулкхоним (Бибихоним)ни ҳам ўз никоҳига олади.

Амир Темур билан амир Ҳусайн дастлабки даврларда алоқалари яхши бўлиб, бир-бирларига қўл узатишиб юришган. Икки ҳоким бирга ўсишган, бирлашиб жангга киришган. Айниқса, Сирдарёнинг бўйларида Жетеларга қарши жангда ҳамда сарбадорлар билан курашда ҳамдард бўлишган.

Ҳокимиятни қўлга олган Амир Ҳусайн Амир Темурни вазир лавозимига ҳам тайинлашида катта маъно бор. Шу билан бирга Амир Темур Сейистонда бир оёғи, бир қўлидан яраланганда, унга малҳам бўлган Амир Ҳусайн эди. Кейин эса вазият ўзгарди. Саҳнада кўп чигалликлар ўз аксини топиб боради. Асардаги илк воқеалар асосан уч шахс атрофида ривожланади. Дастлаб Амир Темур, Амир Ҳусайн ҳамда Ўлжой Турконлар ўртасида юз берган тўқнашувларга дуч келамиз. Ўртадаги зиддиятни ҳал қилиш Амир Темурга ҳам қийин, шароит оғир. Амир Ҳусайн кўп сотқинликлар қилади. У Амир Темурга содиқ бўлиб қолишга, хиёнат қилмасликка ўртага Каламуллоҳни қўйиб, неча марталаб қасам ичган бўлса ҳам ўзининг жирканч ҳунаридан – хонликдан воз кеча олмади. Амир Темурни жанглардаги ютуқлари Амир Ҳусайнни ич-ичидан эзарди, қалбини кемирарди.

Ҳасад, мансаб, юрт талашини Бадахшоннинг ҳокими, Кайхисравнинг отасини ўлдиришга олиб борган. Пок, ҳалол инсонга қўл кўтариб уни йўқотган ҳам Амир Ҳусайндир. Бу камлик қилгандек, у Сирдарёнинг бўйларидаги ҳаёт-мамонт жангида чап бериб, хиёнат қилади. Бу ҳол ҳам Амир Ҳусайннинг жирканч қиёфасини яққол очишга олиб келган. Энг даҳшатлиси Амир Темурни ўлдириш мақсадида алоҳида заҳарли ўқни унинг юрагига отишга тайёрлаганлигидир. Амир Ҳусайннинг қаерга оёғи етса, ўша ерда талончилик, азоб-уқубат, норозилик, тушкунлик келиб чиқади.

Унинг очкўзлиги, фирибгарлиги, маккорлиги, инсофсизлигини очадиган яна бир деталь асарга ўринли киритилган. У синглисига ҳады қилган тилла тақинчоқларни қайтариб олиши уни тубанлик назари пастлик намунаси сифатида гавдалантиради, Амир Ҳусайннинг жирканч қирраларини бирин-кетин очиб беради. Амир Ҳусайннинг барча қилмишларидан тўла хабар топган, жирканч қиёфасини англаб етган сингил ундан бутунлай юз ўгиришга мажбур. Эрига қаратилган заҳарли ўқни Ўлжой Туркон ўзига йўллаб гуноҳини ювгандай ҳис қилди. Камон ўқини олиб: “Бу – Темур учун, Йўқ, бу – мен учун”, деб жонидан кечди. Уни ўзига тўғрилашида қахрамоннинг гўзал ички олами очилади. Абдулла Орипов бу фожиали ҳолатдан фалсафий хулоса чиқаради. “Бироқ ерга тўкилар пайт қурт тушган мева, уни асраб қола олмагай соғлом илдиз ҳам”. Шу сабабдан ҳам Амир Ҳусайнни нариги дунёга равона қилишади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Абдулла Орипов Амир Ҳусайн образини яратишда тарихга содиқ қолди, унга бадиий либос бичиб, ўқувчиларга етказди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун “Темур Тузуклари”га мурожаат қилайлик. “Амир Ҳусайн, “менинг дўстлик ва қариндошликни риоя қилишдан бўлак ниятим йўқ”, деб Қуръон устида қасам ичди ва ўша Қуръонни менга жўнатди.

У яна мана буларни ҳам айтганди: “Агар сенга айтган гапларимга хилоф бирор иш тутиш бўлса ва ўртадаги аҳд-паймонни бузиб сенга ёмонлик қилсам, шу ушлаган Куръон – худонинг китоби мени урсин”. Қариндошлик хурмати учун Балх билан Ҳисори Шодмон вилоятларини Амир Ҳусайнга тортиқ қилдим. У эса бу эҳсонни мурувватимни билмади, мени махв этишга қасд қилди. Мен ҳам ўз-ўзим билан кенгашиб, Амир Ҳусайнни ўлдиришга қарор қилдим” Темур тузукларидан маълумки, Амир Темур аксарият ишларини кенгашлар асосида амалга оширган.

Демак, Абдулла Орипов тарих ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга усталик билан олиб ўтган. Асарга шу йўсин билан ёндашиш Йилдирим Боязид билан Амир Темур учрашувларида ҳамда Румо ҳокимининг хизматини таърифлашда ҳам давом этади. “Темир тузуклари”да куйидагиларни ўқиймиз “Румга юборган элчи Йилдирим Боязиднинг тескари жавобини олиб келди”. Бу жавоб қандай мазмунда эканлигини олим Ибн Арабшоҳ айтиб берган. “Боязид ўзининг жавоб хатида Амир Темурдан орани очик қилиш учун унинг ҳузурига келишни талаб қилган. Акс холда “хотинларинг уч талоқ” (талоқи би-с-салоса) бўлсин, деб уни ҳақорат қилган”. Худди шу мазмундаги фикр Боязиднинг элчиси олиб келган хатда берилган. Темур уни ошкор этади. Муаллиф бу гапларни бадиий ифодалаб “Соҳибқирон” асарига олиб кирди, қахрамонларнинг қисматлари орқали ёритди. Амир Темурнинг Боязидга бўлган муносабати куйидаги мисраларда ўз аксини топган.

Тўхтамишнинг Ўрдасини чилпарчин қилдик.

Биз ҳам ёқиб юборганмиз Сарой Беркани.

Боязидга лекин атай тегмадик, валлоҳ!

Ғайридинлар устимиздан кулмасин дедик,

Икки тилдош,

Икки диндош - битта турк қавми

Олишсалар,

Талашсалар номус эмасми ?

Амир Темурнинг бутун фаолияти шу ниятга амал қилишга, уни амалга оширишга қаратилган. Бу фикрини тасдиқлаш ва ривожлантириш учун муаллиф икки ҳокимни тўқнаштиради. Икки хил дунёқараш, икки хил мақсад, турлича муносабатларнинг зиддияти асарда қалқиб туради, муаллифнинг қайси томонга хайрихоҳлиги ҳам очилади. Авваломбор, Амир Темур Боязидга қарши урушга мажбуран киришади. “Рум султони чорлабдими жанг майдонига, боражакмиз!” Амир Темур Боязид билан тўқнашганда унинг нодонлиги билан уруш чиқиб кетганлигини, бунга сабаб гиж-гижлаганлар бўлганлигини таъкидлаб, унинг онгига сингдиришга, хатоларини англаб олишга имкон туғдиради.

Айтиш жоизки, ўз даврида Рум султони Боязид Йилдирим ҳам ўта машҳур бўлган. Тарих таъкидларига қараганда Рум қайсари Йилдирим қилич сирмашда тенгсизлардан бири бўлганлиги, уни қилич билан тирик туяни бир урганида қоқ иккига бўлиб ташлагани айтилади. Аммо Амир Темур бу вазоҳатдан асло чўчимаганлигини, чорасизликдан жангга чиққанлигини айтади.

Амир Темур ишда ўзининг ҳам нуқсонини айтиб, ўзгаларнинг улар устидан кулишига асос борлигини қайд қилиб ўтишида маъно бор. Яъни:

“Кулган экан иккимизнинг устимиздан ҳам”.

Бунга сабаб икки мусулмон, икки туркийни бир-бирига қарши гиж-гижлаганлар кимлар?

Туркийларнинг икки шоҳин гиж-гижлаб қўйиб,

Уруштириш кимга зарур бўлганин ўйла.

Оврупонинг найрангига лакка учдингу.

Боязиднинг бутун қилмиши Амир Темурни ожизлантириб, унинг тахтини эгаллаш. Шу шафқатсиз мақсаддан келиб чиқиб, Темурнинг ғанимлари Қора Юсуф Жалойирнинг бошини силайди. Бу билан Амир Темурни жаҳлини чиқаради. Лекин шуларга қарамасдан, “зор эмасман илтифотинг, таассуфингга” дейишини ҳам назарга олмасдан Амир Темур енгилган ҳукмдорга мурувват нурларини сочди, илтимосларнинг барини бажо келтирди.

Амир Темур унинг илтимосу тилакларини нимадан иборат эканлигини сўраши ҳам унга кўрсатилган илтифот эди. Унинг илтимослари кетма-кет чиқаверади. Румо юртини сақлашни, Исо, Мусо, Мустафо деган ўғилларини ҳаётини сақлаш, аёлини топиб беришни сўрайди. Буларнинг барчаси мухайё қилинади. Булардан ташқари ашаддий душман бўлган Султонни катта лавозимда қолдиради, ўғилларнинг барчасига Римнинг вилоятларини бўлиб беради. “Боязидни кузатингиз, ҳурматин қилинг”, деган топшириқ беради.

Амир Темурнинг энг катта хизмати мамлакатада тинчлик, осойишталик, тартиб ўрнатгани, уни кўркам қилиб, гўзал юртга айлантирганидир. Саркарда бирор қасрни забт этган бўлса, уларнинг, бойликларидан баҳраманд бўлиб, уни обод этишга сарф қилди. “Самарқандга ташриф этсин карвонларингиз. Ҳиндистондан Балқонгача бирор болакай боши узра олиб ўтса лаган марварид... Бир дона ҳам тўқилмагай ўша лагандан” Амир Темур элчиларига қаратиб айтган бу сўзлар чуқур маънони касб этиши билан бирга, улар бадий либосга бурканиб, масаланинг моҳиятини бадий қилиб очиб берган [6, Б.80].

Лекин айрим манбаларда ёзилишича, юқорида айтилган “лаган” воқеаси ҳақидаги гап Амир Темурнинг эмас, тарихчиларнинг фикри эмиш. Тарихий асарларда бадий тўқима образлар асар воқеаларини кескинлаштириш учун ўйлаб топилиши ижодий амалиётда бор. Аммо бу фикр тўқима эмаслиги манбалардан келтирилган исбот сифатида ўзини тўла оқлайди.

Мен шеъримни ўчмас қилиб шамширга ўйдим,

У битикнинг мазмуни шул:

Куч – адолатда!

Темурнинг бу сўзлари шиорга айланиб ҳамиша ҳамроҳ бўлган. У қилган ҳар бир ишида, босган қадамида адолатни кўзлади. Амир Темурнинг туб фалсафаси, ҳаёти ва фаолиятининг асл моҳияти қуйидагича ўз аксини топган:

Тинчлик билан ҳал бўлса гар бир муаммо,

Ҳеч кимсага ўзингизча қурол кўтарманг.

Биронта шоҳ ўз элига ўтказса зулм,

Адолатнинг қиличини баланд кўтариб,

Янчингиз уни!

Ҳамма учун баб-баравар бўлсин Адолат!

Темурнинг фарзандларига айтган бу насихатига ўзи тўла равишда амал қилганлиги ҳам тарихий ҳақиқатдир. Драматик поэманинг характерли жойи Темурнинг элчилар билан олиб борган суҳбатларидир. Бу суҳбатларда Темур элчиларни яхши, ёмонга ажратмаган. Уларга адолат нуқтаи назаридан ёндашган. Ким қандай эканлигини яшириб ўтирмаган, бор гапни юзларига очиқ ойдин айтган. Адолат Хитой элчисига нисбатан кескин гапни айтишни тақозо этарди. Гап шундаки, Хитой шоҳи Темурни камситиб, уни менсимасдан ўлпон талаб қилган. Темур ҳам жавобни ўринлатади: “Жавобини бориб айтурман унга”. Бу Хитойни забт этиб, натижасини билдираман, деган маънони келтириб чиқаради.

Бундан ташқари Амир Темур даврида аёллар кадрлангани ҳам муаллиф томонидан тилга олинади. Темур, айниқса, аёлларга бўлган муносабатини кузатсак, у кўз ўнгимизда янада баркамол инсон бўлиб кўринади. Боязиднинг хотинлар тўғрисидаги мактубидан ғазабланган Темур “шарт эдим хотинларни қиморга тикмоқ”. Шу сабабдан, ҳатто душманининг хотинига ҳам заррача зарар етказмай, ҳурматини сақлаган.

Асарнинг ютуқлари ҳақида гап кетганда Темурнинг маърифатга, поэзияга, илм-фанга ижобий муносабатини тилга олиб ўтиш лозим. Темурнинг “фаҳр этурман мен халқимнинг санъати билан” деган сўзлари унинг табиатини очиб бериб, фаолиятида эса байроқ бўлиб қолган. Тарихдан маълумки, Соҳибқирон сафарларда, ҳарбий юришларида шоир, олим ва санъаткорларни бирга олиб юрган, уларнинг маслаҳатларини, мулоҳазаларини амалий ишларида назарда тутган. Кенгашлар ўтказилганда ҳам улар сарой аъёнлари билан бирга ҳурматли ўринларда ўтиришган. Бу ҳақиқатни асарга киритиш учун муаллиф жиддий ижодий меҳнат қилганлиги билиниб турибди. Темурга мурожаат этиб: “Маърифатга сиздай ҳомий келмагани рост!” деган олим Ибн Арабшоҳнинг гапи бу масалани ёритишга хамиртуруш асос бўлиб хизмат қилган.

Амир Темур китобни билим хазинаси, ақлни пешлайдиган, тўғри йўлга соладиган маёқ сифатида билади. Соҳибқирон Амир Хусайнни саводсизлиги, нодонлигини китоб заминида очиб беради.

Умрингда ҳеч китоб кўрмай улғайган эдинг.

Шу сабабдан гапларингда мантиқ йўқ, амир.

Темур давлат хизматларини бажариш, уларни тўғри, ҳаққоний ҳал қилишнинг калити илм деб билади. Унинг фикрича, илмни эгаллаган султон ҳаётда қоқилмасдан иш юргизади.

Барча даврларда ҳам илм давлатчилик ва жамиятда инсоният тараққиётининг асосий омили эканлиги ҳеч қандай исбот-далил талаб этмайдиган зарурат эканлигини айтмоқчимиз.

Ҳар қандайин салтанатнинг обрўси эса,

Тайин бўлғай илм бирлан,

Маърифат бирлан.

Шу сабабдан Амир Темур ҳар бир олимни кўз қорачиғидай сақлагани, илмий ишларига кенг йўл очиб берганлигини Ибн Арабшоҳ мисолида яққол кўриш мумкин. Аввало ҳукмдор олимнинг ҳар бир гапига ҳурмат билан қарашни, унинг сўзларига ишонишни билдиради. Темур асли шомлик бўлган Ибн Арабшоҳни Самарқандга асир қилиб олиб келишларига қарамай мурувват кўрсатади, уни фан соҳасида балоғатга етиши учун ёрдам кўлини чўзади. Бундан олимнинг миннатдорчилиги, мамнунлиги, Темурни етти иқлим меъморлари, муҳандисларини Самарқандда жам қилиб йиғиши уни ларзага соларди. Шу билан бирга Ибн Арабшоҳнинг ички дардлари ҳам, унинг ўз юртини соғинишлари ҳам Темурга бефарқ эмас. У олимга танбеҳ бериш билан ҳамдардлик билдириши олимга бўлган ҳурматининг нишонасидир.

Абдулла Орипов алоҳида нашр этилган “Соҳибқирон” китобида бу асарни шеърӣ драма, “Танланган асарлар”и иккинчи жилдида эса, драматик дoston деб берган. Унинг жанри масаласида Ҳ.Абдусаматовнинг фикрини маъқуллаш мумкин. “Баъзи ҳамкасбларимиз, шу жумладан Абдулла Орипов ҳам “Соҳибқирон”ни шеърӣ драма деб атаган. Бу фикр тўғрими? Асарнинг моҳияти, мазмуни, шакли, бадиият жиҳатларини назарга олсак, уни “драматик поэма” деб атасак тўғри бўларди”.

Бу асарни рус тилига ўгирган таниқли таржимон Зоя Туманова ҳам “Драматическая поэма” деб жанр хусусиятини белгиллаган. Булар ўртасида фарқ нимада? Шеърӣ драмада драматизм кучли, драматик ҳаракат бутун асардан қизил ип каби ўтиши талаб қилинади. Монолог ва диалоглар ҳам ҳаракатда берилиши лозим. “Соҳибқирон”да эса поэтик хусусиятлари асосий ўринни эгаллаб, драматизм баъзан сусайган, драматик ҳаракат ҳам айрим ҳоллари бўшроқ чиқиб қолган. Асардаги баъзан баёнчилик кўп ўринни эгаллаб, кучли драматик ҳаракатга тўла имконият бермаган. Бундай тасвир драматик поэмага мос ва хосдир” [7, Б.190-191].

“Соҳибқирон” асарнинг бутун йўналишини, асл моҳияти, чуқур мазмуни, асосий қаҳрамонларнинг барча хатти-ҳаракатлари Ватан ила миллатни асрашга қаратилган. Драматик дostonдан қизил ип каби ўтган ёруғ нур ҳам мана шундай.

Жанр масаласида устозларнинг фикрлари турлича эканлиги аниқ бўлди. Энг муҳими, биз пьеса ёзганни тинимсиз муҳокама қилишимиз мумкин. Бироқ драматург қарашлари, ғояси, шахсий “мен”и ҳақида кўпам ҳисоблашавермаймиз.

Бизнинг хулосамиз шундаки, Абдулла Орипов қаламга олган тарихий қаҳрамонларнинг саҳнада яққол намоён бўлишидаги жозибаси ўта табиий. Актёрга қаҳрамон ҳолатини илғаб олиши учун маҳорат билан унинг ички ва ташқи туғёнларининг суратини чизиб беради. Унинг энг катта компетенцияси тарихни ва қаҳрамонини чуқур ўрганганлигида. Давр муҳитини теран идрок этиб, уни ҳар бир воқеа ва персонажларга ўз юкини ўз ўрнида тақсимлай олганидадир.

ИҚТИБОСЛАР

1. Абдулла Орипов ва Қулман Очилов суҳбати // «Халқ сўзи» газетаси, 1996 йил 17 октябрь ЎзА.
2. Холиқулова Г. Саҳна нутқи (тарихий драмалар талқинида). Тошкент ЎзДСИ – 2007.
3. Абдулла Орипов ва Қулман Очилов суҳбати // «Халқ сўзи» газетаси, 1996 йил 17 октябрь ЎзА.
4. Темур тузуклари. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.
5. Орипов А. «Соҳибқирон». – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.
6. Абдусаматов Ҳ. Саҳна Темурномаси. – Т.: «MERIYUS», 2009.
7. Маҳмудов Ж. Саҳна композициясининг алифбоси. Т. – 2006.

ISSN: 2181-4562
DOI Journal 10.56017/2181-4562

МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 2-СОН

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-2

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-2

2023 йил 31 март куни чоп этилди.

«Маданият ва санъат» электрон журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz